

وَعَنْ عِتْبَانَ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ - وَهُوَ مِنْ شَهِدَ بَدْرًا - قَالَ: كُنْتُ أَصَلِّي لِقَوْمِي بَنِي سَالِمٍ، وَكَانَ يَحُولُ بَيْنِهِمْ وَادِ إِذَا جَاءَتِ الْأَمْطَارُ، فَيَسْقُطُ عَلَيَّ اجْتِيَارُهُ قَبْلَ مَسْجِدِهِمْ، فَجَهْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقُلْتُ لَهُ: إِنِّي أَنْكَرُ بَصَرِي، وَإِنَّ الْوَادِي الَّذِي بَيْنِي وَبَيْنَ قَوْمِي يَسِيلُ إِذَا جَاءَتِ الْأَمْطَارُ، فَيَسْقُطُ عَلَيَّ اجْتِيَارُهُ، فَوَدَّتُ أَنْكَرْتُ لَهُ، فَتُصَلِّي فِي بَيْتِي مَكَانًا أَخْذَهُ مُصَلِّي، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «سَأَفْعُلُ» فَعَدَا عَلَيَّ رَسُولُ اللَّهِ، وَأَبُو بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ بَعْدَ مَا اشْتَدَ النَّهَارُ، وَاسْتَأْذَنَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَأَذِنْتُ لَهُ، قَلَمْ يَجِلِّسُ حَتَّى قَالَ: «أَيْنَ تُحِبُّ أَنْ أَصَلِّي مِنْ بَيْتِكَ؟» فَأَشَرَّتُ لَهُ إِلَى الْمَكَانِ الَّذِي أُحِبُّ أَنْ يُصَلِّي فِيهِ، فَقَامَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَكَبَرَ وَصَفَقْنَا وَرَاءَهُ، فَصَلَّى كَعْتَبْنَ، ثُمَّ سَلَّمَ، وَسَلَّمْنَا حِينَ سَلَّمَ، فَجَبَسْتُهُ عَلَى حَزِيرَةِ تُصْنَعُ لَهُ، فَسَمِعَ أَهْلُ الدَّارِ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي بَيْتِي، فَنَابَ رِجَالٌ مِنْهُمْ حَتَّى كَثُرَ الرِّجَالُ فِي الْبَيْتِ، فَقَالَ رَجُلٌ: مَا فَعَلَ مَالِكٌ لَا أَرَاهُ!! فَقَالَ رَجُلٌ: ذَلِكَ مُنَافِقٌ لَا يُحِبُّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا تُقْلِنْ ذَلِكَ، أَلَا تَرَاهُ فَقَالَ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ يَبْتَغِي بِذَلِكَ وَجْهَ اللَّهِ!» فَقَالَ: اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ، أَمَّا نَحْنُ فَوَاللَّهِ؛ لَا نَرَى وُدَّهُ، وَلَا حَدِيثَهُ إِلَّا إِلَى الْمُنَافِقِينَ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «فَإِنَّ اللَّهَ تَعَالَى قَدْ حَرَمَ عَلَى النَّارِ مَنْ قَالَ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ يَبْتَغِي بِذَلِكَ وَجْهَ اللَّهِ» مُتَّقِفٌ عَلَيْهِ [خ 1186، م 54/23].

وَ«عِتْبَانُ» بِكَسْرِ الْعَيْنِ الْمُهْمَلَةِ، وَإِسْكَانِ التَّاءِ الْمُثَنَّةِ فَوْقُهُ، وَبَعْدَهَا بَاءُ مُوَحَّدَةٌ. وَ«الْحَزِيرَةُ» بِالْخَاءِ الْمُعْجَمَةِ، وَالرَّايِ: هِيَ دِيقُّ يُطْبَحُ بِشَحْمٍ وَقَوْلُهُ: «ثَابَ رِجَالُ» بِالثَّاءِ الْمُثَنَّةِ، أَيْ: جَاؤُوا وَاجْتَمَعُوا.

Итбон ибн Молик розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

(Бу киши Бадр ғазотида иштирок этган саҳобалардан эди.)

«Бану Солимда қавмимга намоз ўқиб берар эдим. Мен билан уларнинг орасини бир водий ажратиб турарди. Ёмғир ёғса, уларнинг масжидлари томон уни (водийни) кесиб ўтишим қийин бўлар эди. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига бориб, у зотга: «Кўзим хиралашиб қолди. Мен билан қавмим ўртасидаги водийда ёмғир ёғса, сел бўлиб оқиб, уни кесиб ўтиш менга қийин бўлади. Шунинг учун келиб, уйимдан бирор жойда намоз ўқиб берсангиз, ўша жойни намозгоҳ қилиб олсам, деган эдим», дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта шундай қиласман», дедилар. Эртасига, кун қизиганда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Абу Бакр розияллоҳу анҳу олдимга келишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам изн сўрадилар, у зотга изн бердим. У зот ўтирмай: «Уйингнинг қаерида намоз ўқиб беришимни истайсан?» дедилар. Мен ўзим намоз ўқишини истаган жойга ишора қилдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам туриб, таҳрима такбирини айтдилар, биз ортларидан саф тортдик. Икки ракъат намоз ўқиб, салом бердилар, салом берган пайтлари биз ҳам салом бердик. У зотни ўзлари учун тайёрланаётган хазирга\* ушлаб қолдим. Маҳалла аҳли Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг менинг уйимдаликларини эшитган экан. Улардан бир нечаси келиб, уйда одамлар кўпайиб кетди. Улардан бири: «Моликка нима бўлди, уни кўрмаяпман?» деди. Яна бирори: «У мунофиқ, Аллоҳни ва Унинг Расулини севмайди!» деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ундей дема, унинг Аллоҳнинг розилигини истаб, «Лаа илааха иллаллоҳ», деганини кўрмаяпсанми?!» дедилар. У: «Аллоҳ ва Унинг Расули билувчиdir. Аммо Аллоҳга қасамки, биз унинг дўстлиги ва суҳбати фақат мунофиқларга бўлганини кўряпмиз», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса: «Аллоҳнинг важҳини истаб «Лаа илааха иллаллоҳ», деган кишини Аллоҳ дўзах учун ҳаром қилган», дедилар».

Муттафақун алайҳ.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



